



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
кељагаги
бўйқ
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2009 йил 30 декабрь, № 251 (4914)

Чоршанба

БАХТИЁР БОЛАЖОНЛАР ҚУВОНЧИ

Истиклолнинг бахтиёр фарзандлари бекиёс меҳр ва ғамхўрликдан баҳраманд ўсиб-улгаймоқдалар. Зеро, бугун ёш авлоднинг баркамол бўлиб вояга етишини таъминлаш борасида юксак ғамхўрлик кўрсатилаёттир. Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимиз таълим тизимида олиб борилаётган ислохотлар, ёшларнинг интеллектуал салоҳияти, истеъдод ва қобилиятини кенг намоён этишга қаратилган эзгу саяё-ҳаракатлар бунинг ёрқин тасдиғидир.

«Президент арчаси»

Ўз навбатида, навқирон авлоднинг маънавий тарбиясини юксалтириш борасидаги доимий эътибор фаровон келажакимизни таъминлашдек эзгу мақсадга ҳамоҳанг эканлигини таъкидлаш жоиз.

Пойтахтимизнинг «Туркистон» санъат саройида бошланган «Президент арчаси» тантаналари ҳам ана шундай юксак ғамхўрлик ифодасидир. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳамда «Sen yolg'iz emassan» Республика болалар жамоатчилиги жамғармаси ҳамкорлигида ушбу тадбирни юқори савияда ташкил этиш мақсадида муйаб чора-тадбирлар амалга оширилди. Тадбирга пойтахтимиздаги барча Меҳрибонлик уйлари, SOS болалар маҳаллаларининг тарбияланувчилари ҳамда ихтимоий кўмакка эҳтиёжманд оилалар фарзандлари таклиф этилдилар. Байрам тантанаси иштирокчиларига Ўзбекистон Республикаси Президенти номидан совғалар тақдим қилинди.

— Бу каби бекиёс меҳрдан куч олиб улгайган ҳар бир бола, эзгуликка, яхшиликка интилувчи инсон бўлиб камолга етади, — дейди 22-Меҳрибонлик уйи қошидаги ҳарбий-спорт гуруҳи раҳбари Жамалиддин Зияев. — Қаранг, ҳар бир боланинг юз-кўзида қувонч, шодлик. Бизнинг бўлажак ҳарбийларимиз ҳам байрамни катта хурсандчилик билан нишонлашапти. Уларга

(Давоми 8-бетда).



МАМЛАКАТ
бўйлаб

Воқеалар,
янгиликлар,
хабарлар

БУХОРО. Жондор туманидаги «Шиоат текстильмаш» хусусий фирмаси хорижлик буюртмачиларга 340 минг АҚШ доллари миқдорда маҳсулот жўнатди.

Момик сочиқлар хорижга чиқарилмоқда

Бунинг учун корхона замонавий технологиялар билан тўлиқ жиҳозланди ҳамда уларни бошқарадиган ишчилар қайта ўқитилди. Натижада 40 нафар малакали йигит-қиз қўлларида тайёрланаётган сифатли момик сочиқлар ички ва ташқи бозорда ўз харидорини топмоқда. Албатта, бу борада корхонанинг Россия шаҳарларида очилган савдо уйларидаги хизмати ҳам катта бўлаёттир.

И. ИБРОҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

НАМАНГАН. Вилоятдаги «4-қишлоқ қурилиш комбинати» масъулияти чекланган жамиятида ишлаб чиқаришни модернизациялаш лойиҳаси бажарилгач, меҳнат унвдорлиги ортиб, сифат кўрсаткичлари янада яхшиланди.

Унвдорлик ошиди, сифат яхшиланди

Мазкур лойиҳага 45 миллион сўм маблағ сарфланиб, бетон қорилмалар цехининг ускуна ва қўлплари тўлиқ янгиланди. Натижада ойлик маҳсулот тайёрлаш ҳажми 20 фоизга кўпайиб, ҳозир 1500 кубометрнинг ташкил этмоқда. Мухими, бу ерда тайёрланаётган говакли плита, тайёр бетон аралашмаси, гулли тўсиқ, бетон девор ва пойдевор каби 15 турдаги маҳсулот тобора харидориги бўлиб бормоқда. Корхона жамоаси жорий йилнинг 11 ойида буюртмачиларга 700 миллион сўмлик маҳсулот етказиб бергани бунинг тасдиғидир.

Қ. НАЖМИДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ЖИЗЗАХ. Фориш туманидаги «Худойберди ота таъмир» хусусий корхонаси раҳбари П. Аннақулов Қорабдол қишлоғида замонавий сервис марказини ишга туширди.

Форишда сервис маркази

60 миллион сўм маблағ ҳисобига барпо этилган ушбу марказ таркибига савдо ва энгил автомобилларга хизмат кўрсатиш шохбчалари ҳамда «Миллий таомлар» ошхонаси мавжуд. Уларда 18 нафар йигит-қиз меҳнат қилмоқда. Айни пайтда бу ерда 400 ўринга мўлжалланган тўйхонани барпо этиш ишлари давом эттириляёттир.

Б. САТТОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ФАРФОНА. Марғилон шаҳридаги «Маориф» маҳалла фуқаролар йиғини худудда икки қаватли замонавий поликлиника қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Замонавий поликлиника — эл хизматида

Лойиҳа қиймати 425 миллион сўмлик ушбу тиббиёт маскани Олтинорқ туманидаги 1-кўча механизацияланган жамланма қурувчилари томонидан бунёд этилди ҳамда замонавий тиббий жиҳозлар ва ускуналар билан тўлиқ таъминланди. Эндиликда мазкур маскан ён-атрофдаги Бахрин, Чорчинор, Урда-таш, Машад, Тошлоқтепа ҳамда Урмон Аҳмедов номи маҳаллаларининг 26 минг нафардан айд аҳолисига тиббий хизмат кўрсатади.

М. МАҲМУДОВ.

ХОРАЗМ. Шовот туманининг Шовотқалъа қишлоғида «Шохрўх — 2001» фермер хўжалиги раҳбари Равайн Ражабов томонидан суттин қайта ишлашга ихтисослашган мини завод ишга туширилди.

Фермернинг мини заводи

Корхона бир кеча-кундузда 2 тонна суттин қайта ишлаш қувватига эга. Айни кунда бу ерда 5 хилдаги сут маҳсулотлари тайёрланмоқда. Асосий хом ашё тумандаги фермер хўжаликлари ва аҳолидан қабул қилиб олинаёттир.

О. РАҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

УМУМЭЪТИРОФ ЭТИЛГАН ХАЛҚАРО НОРМАЛАРНИНГ АМАЛДАГИ ИФОДАСИ

27 декабрь кунин Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов жараёнини хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлардан келган уч юзга яқин кузатувчи бевосита кузатиб борди.

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — ЎзА мухбирлари уларнинг айримлари билан суҳбатда бўлиб, мамлакатимиз сайлов тизими, парламент сайловга тайёргарлик, бевосита сайлов жараёни ҳақидаги фикрларини сўради.

Лим Жонг МЕНГ, «Дипломаси» журнали вице-президенти (Жанубий Корея):

— Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайловнинг дастлабки натижаларига кўра, қирққа яқин сайлов округида депутатликка номзодлар етарлича овоз тўплай олган. Шу боис яқин кунларда бундай сайлов округларида қайта овоз бериш ўтказилди. Бу Ўзбекистон Республикасининг сайлов қонунчилиги, амалдаги сайлов тизими умумэътироф этилган халқаро нормалар — демократия, ошқоралик, муқобиллик ва кўп партиявийлик тамойилларига тўлиқ мос келишининг амалдаги тасдиғидир. Айни пайтда мазкур жараён ҳам жамоатчиликда, ҳам халқаро ҳамжамиятда мамлакатининг сайлов тизимига бўлган ишончини янада оширишга хизмат қилади.

Ўзбекистонда ўтган овоз бериш жараёнини Тошкент шаҳридаги 288, 297-сайлов участкаларида кузатдим. Уларнинг ҳаммасида ушбу сиёсий тадбирга пухта тайёргарлик қўрилгани аққол сезилиб турибди. Ўзбекистон Республикаси парламенти сайловга оид қонун ҳужжатлари, газета-журналлар, плакатлар, номзодлар ҳақидаги бошқа ранг-баранг маълумотларни деярли барча жамоат жойларида қўриш мумкин. Ўзбекистонда сайлов тизимининг менга ёққан яна бир жиҳати шунки, сайлов кунини муйаб сабабларга кўра сайлов участкасига кела олмайдиган фуқароларга махсус кўча кути олиб

борилади ва уларга овоз бериш учун имконият яратилади. Инсон манфаатлари ва ҳуқуқларига ҳурматнинг бундай ёрқин ифодасини ҳеч бир мамлакатда учратмаган эдим.

Абдулқодир АЛ-ҲАБИБУЛЛА, сиёсий ва молиявий таҳлилчи (Саудия Арабистони):

— Марғилон шаҳридаги қатор сайлов участкаларида бўлиб, овоз

Сўз — халқаро кузатувчиларга

бериш жараёнини кузатиб, унинг демократик нормаларга тўла мувофиқ ўтганига ишонч ҳосил қилдим. Сайлов участкаларида сайловчиларнинг ўз хоши-иродасини эркин амалга ошириши учун халқаро талаблар даражасида имконият ва шароит яратилган. Шунинг ўзи Ўзбекистон тараққиётининг тўғри йўлини танлагани ва бу йўлдан дадил бораётганини кўрсатиб турибди.

Сайлов кунини кўрсатилган номзодлар етарлича овоз тўплай олган округларда энг кўп овоз олган депутатликка икки номзод бўйича қайта овоз берилиши мамлакатининг шакланган демократик тамойилларининг амалдаги яна бир ёрқин намунасидир.

Василий ВОЛКОВ, Россия Федерацияси Марказий сайлов комиссияси аъзоси:

— Кўп мамлакатларда ўтказилган сайловларда кузатувчи сифатида

иштирок этганман. Тан олиш керак, мамлакатининг сайловда кузатувчилар учун барча имконият ва шароитлар яратилди. Ўзбекистонда парламент сайлови ошқора, демократик нормаларга мос ўтди. Тошкент шаҳри ва вилоятдаги ўн бешга яқин сайлов участкасида бўлиб, сайлов жараёнини диққат билан кузатдим. Юксак савияда жиҳозланган сайлов участкалари менда ҳавас уйғотди. Сайлов жараёнини ҳеч қандай камчилик кўрмадим.

Номзодлар етарли миқдорда овоз тўплай олган сайлов округларида қайта овоз бериш ўтказилиши халқаро андозаларга тўлиқ мос келиши баробарида Ўзбекистон сайлов тизимининг нечоғли ишончли, тўғри ва одилона ишлаб чиқилганидан далолатдир.

Сафо Махмуд АЛ-ЖАНАБИЙ, «Orient Consulting & Legal Translation» компанияси бош директори (Бирлашган Араб Амирликлари):

— Демократиянинг муҳим инсти-

БИР ҚИШЛОҚДА 500 ҲУНАРМАНД

Марҳамат туманининг «Қорақўрғон» қишлоқ фуқаролар йиғини худудида ўнга маҳалла бўлса, унинг олтигача етти ёшдан етти ёшга бўлган қизлар, момоларнинг барчаси рўмол тўқиш билан шуғулланади. Ҳар бир хонадонда Наманганнинг Поп туманидан келтирилган ангор эчкиларнинг юнгина тозалана, майнлаштириб берадиган ичма дастгоҳлар мавжуд.

— Ҳафтасига иккита рўмол тўқиймиз, — дейди Рўзихон Усмонова. — У бошини иссиқ тутлади. Инсоннинг кўрак қисми билан белини шамоллашдан асрайди. Шундан бўлса керак, рўмолларимизга талаб катта. Бозорбоши маҳалласининг ўз бозори бор. Ҳафтадан бир кун хом ашё олиб келувчилар, тайёр маҳсулотни сотувчилар, харидорлар билан гавжум бўлади.

— Беш юз нафар ҳунарманд аёл бор, — дейди қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Зайнобиддин Болтаев. — Бундан ташқари, 61 фермер хўжалигимиз ғалла ва пахтадан юқори ҳосил олаётти. Чорвадору бовбонларимиз эл дастурхонига нознеъматлар етказиб берапти. Хуллас, ҳеч бир оила йўқки, бирон юмуш билан банд бўлмасин. Тадбиркор ҳунармандлар эса маҳаллаларни обод этиш, йўлларни асфальтлаш, янги маҳаллаларни газлаштириш, сув келтиришга бош-қош.

Масалан, «Пахлавон» фермер хўжалиги раҳбари Султонмурод Отахонов бир километрлик ички йўлга шағал тўқитиб, икки километрлик йўлга асфальт ётқизиб берди. «Фарахбахш», «Юқори ҳосил» фермер хўжаликлари қишлоқ врачлик пунктлари биноларини таъмирлашни ўз зиммаларига олган бўлса, Жийдазор, Ҳўжариқ, Т. Юсупов номи, Йўламатол маҳаллаларига тоза ичимлик суви олиб келиш ҳаракати кетаётти.

Тадбиркор Рустамжон

Худойбердиев ўз ҳисобидан 30 миллион сўм маблағ ажратиб, Эшонбуева қабристонини ободонлаштирди, яна бир мулкдор Мамарозик Куронов эса қишлоқларига ахойиб шифохона биносини қуриб бераётти. Тўлқинжон Умаров барпо этган «Малҳам» хусусий фирмасининг сийхатгоҳи шаҳардаги шифохоналардан асло қолишмайди, десак ишонинг. Унинг ҳовлисида баравж ўсаётган наботат оламнинг нодир ўсимликлари ҳамда анвойи гуллар танга қувват, қалбга ҳузур бағишлайди.

— Авваллари шундай катта қишлоқда 15-20 та энгил машина бўларди, —

дея хотирлайди оқсоқол Зайнобиддин Болтаев. — Ҳозирга келиб, уларнинг сони 560 тадан ортиб кетди. Ахир ўзига тўқ одамгина энгил машина сотиб олади, иморатлар тиклаб, хайри ишларга қўл уради. Биргина Қорақўрғон қишлоғида эмас, балки тумандаги бошқа ҳудудларда ҳам тадбиркорлик ҳаракати кенг авж олиб, мулкдорлар сағди кенгаймоқда. Чунинчи, Полвонтош шаҳарчасида собиқ чарма-поябаз фабрикаси ип-йиғирув йўналишидаги корхонага айлантирилди. У энг замонавий технологиялар билан жиҳозланган, маҳаллий ёшлардан иборат 250 нафар тивуви қарабатибардшо маҳсулотлар ишлаб чиқара бошлади. «Марлен электроникс» қўшма корхонаси жамоаси асакалик автомобилсозларга бутловчи қисмлар етказиб бераётти. Ҳар қишлоғида эса йилига 12 миллион дона пишик гишт ишлаб чиқарадиган яна бир корхона ташкил этилди.

Фермер миришкор, тадбиркор омилкор, ҳунарманднинг қўли гул бўлган юртда ана шундай бунёдкорлик ишлари рўбга чиқиб, турмуш фаровон бўлиб бораверади.

О. ШОДНОМАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

БИР РАҚАМ ШАРҲИ

ИЛҒОР ТЕХНОЛОГИК УСКУНАЛАР ШАРОФАТИ

2009 йилнинг тўққиз ойида мамлакатимизда тижорат банклари томонидан озик-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналарга замонавий технологик ускуналар, хом ашё ва материаллар сотиб олиш учун

660 миллиард сўмликдан ортиқ кредитлар ажратилди.

Бу пировардида халқимиз учун истеъмоладан, озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини кескин ошириш имконини берди.



Мамлакатимизда Президентимиз раҳбарлигида жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози салбий оқибатларининг олдини олиш ва бартараф этиш бўйича ишлаб чиқилган 2009 — 2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастури Сирдарё вилоятида ҳам изчил амалга оширилмоқда.

Жумладан, чет эл инвестициясини жалб этиш, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни ҳар томонлама молиявий қўллаб-қувватлаш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, экспортчи корхоналарга имтиёзларни жорий этиш ўз самарасини берапти. Вилоят бўйича жорий йилнинг тўққиз ойи давомида санаят маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 5,9 фоизга ошириб, 215,3 миллиард сўмни ташкил қилгани бунинг тасдиғидир.

Инқирозга қарши чоралар дастури:

Кўзланган мақсад, эришилган самара

Маълумки, инқироз шароитида маҳсулот хариддориг бўлиши учун, биринчи гада, ишлаб чиқаришни замонавий технологиялар асосида модернизация қилиш зарур. Ана шунда сифатли маҳсулот тайёрлаш ҳисобига унинг таннархини арзонлаштириш мумкин. Бу эса, ўз навбатида, ташқи бозорда эркин фаолият кўрсатиш имконини яратди.

ҳажми 57,6 фоизга ошди. Бунда, айниқса, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан республикаимизда ташкил этилган энгил санаят маҳсулотлари кўргазмасида маҳаллий ишлаб чиқарувчи...

лар ва хорижий харидорлар ўртасида ўзаро манфаатли шартномалар имзолангани муҳим омил бўлди. Шунга мувофиқ, масалан, қўшма корхона йил охиригача 1 миллиард сўмлик маҳсулот экспорт қилиш бўйича келишувларга эришган.

кулай инвестициявий муҳит туфайли вилоят иқтисодиётига киритилаётган хориж сармоялари камайгани йўқ. Йил бошидан буён ушбу соҳага 9,6 миллион АҚШ доллари миқдорида инвестиция маблағи жалб этилди.

Яна бир эътиборли жиҳати шундаки, Инқирозга қарши чоралар дастурига кўра, вилоят бўйича жами ишлаб чиқилган 138 та лойиҳанинг умумий қиймати 121 миллиард сўмни ташкил этади.

САРМОЯЛАР — РИВОЖЛАНИШ ОМИЛИ

“Oqsaroy Textil” масъулияти чекланган жамиятида пахта толасидан ишлаб чиқарилаётган юқори сифатли калава ип ҳамда хом трикотаж мато бугун нафақат мамлакатимиз бозориди

сотилаёпти, балки бир қатор Европа давлатлари-га ҳам экспорт қилинаёттир. Бу ерда ўрнатилган замонавий тўқимачилик дастгоҳлари ана шундай имкониятни яратиб бермоқда.

Жамият аслида “Оқсарой тўқимачи ДТД” қўшма корхонаси негизидида ташкил этилган. Сабаби, ишлаб чиқариш жараёнини нотўғри танлаш, молиявий ресурслардан самарали фойдаланмаслик оқибатида мазкур қўшма корхона банкрот ҳолатига учраган эди.

миллиард сўм этиб белгиланди. 2009 йил 30 январь жамият учун муҳим сана ҳисобланади. Гап шундаки, шу кунги корхона цехларидаги дастгоҳлар қайтадан ишга туширилди.

ишлатиш учун хориждан мутахассислар жалб этилмади. Барча ишлар маҳаллий муҳандис-техник ходимлар кучи билан амалга оширилди.

Ислоҳот



Шумурод ХОЛМУРОДОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Бугунги кунда корхонада 600 киши меҳнат қилмоқда. Мажбур қувватлардан фойдаланиш даражаси 98 фоизга етди.

Йил ақунлари, айниқса, жамият жамоаси қалбларига қувонч, ўзларига ишонч туйғуларини уйғотмоқда. Боиси, шу кунгача корхонада 4 минг тонна калава ип, 241 тонна хом трикотаж мато тайёрланиб, ялпи товар маҳсулоти ҳажми солиштирма нархларда 14 миллиард 24 миллион сўмга

етди. Шунингдек, 10 миллион 250 минг АҚШ доллари миқдоридаги маҳсулот экспорт қилинган, хозиргача хорижлик ҳамкорлардан маҳсулот хусусида ҳеч қандай эътироз билдирилмагани унинг сифати халқоравандозларга тўлиқ жавоб беришидан далолат бермоқда.

Бундан ташқари, “Oqsaroy Textil”да ишчи-хизматчиларни ижтимоий ҳимоя қилишга ҳам катта эътибор қаратилмоқда.

Б. НОРҚОБИЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

24 соат ичида

Адан кўрғазидида сомалилик қароқчилар томонидан Яман давлатига тегишли юк кемаси гаровга олинди.

Кема гаровга олинди

“Ал-Махмудия 2” деб номланган мазкур кема қароқчилар қўлига тушган вақтда ўн беш нафар экипаж аъзоси бўлган. Унда нима олиб кетилаётгани эса номаълум.

Ҳамкорлик қилишга келишди

Жанубий Корея ва Бирлашган Араб Амирликлари ўртасида атом электростанцияси куриш бўйича шартнома имзоланди.

Истикболли касблар

“Forbes” журналида кейинги ўн йилликнинг энг истикболли касблари рўйхати эълон қилинди.

Ўсишга умид бор

Жаҳонда кузатилаётган молиявий тангликка қарамай, жорий йилда Хитой иқтисодиётининг баъзи тармоқларида ўсиш кузатилади.

Нефть яна қимматлашди

Дунё бозоридида нефть нархи яна қимматлашди. Жумладан, Нью-Йоркдаги “NYMEX” биржасида ўтган сунгги савдолар чоғида “қора олтин”нинг бир баррели 0,72 АҚШ долларига кўтарилиб, 78,72 АҚШ долларини сочилиб. Бунинг сабаби ҳақда эса маълумот изоҳ қилинмаган.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

«Тезинтом» Ўзбекистон-Германия қўшма корхонаси замонавий қурилиш ашёлари тайёрлашга ихтисослашиб, фибробетондан бинолар сиртини безаш учун қўлланмадан турли қисмлар ишлаб чиқаришни ўзлаштиради. Ойига бир неча минг метр узунликда юпқа деворли конструкциялар тайёрлаш қувватига эга бўлган бу янги корхона юртимиз бозорларини чет элликдан қилишмайдиган арзон маҳсулотлар билан тўлдиришга хизмат қилаёттир.

Ганчкорлик безаги қисмлари, айниқса, 2200 йиллиги нишонланган Тошкент шаҳри қурилишларида тобора кўпроқ ишлатилмоқда. Улар пойтахтнинг замонавий қиёфасини турли даврлар нафосати намуналари билан бойитаяпти. Корхонага замонавий инновацион ишлаб чиқариш технологияси ўрнатилгани янги бинолар барпо этиш ёки реконструкция қилишда фибробетондан тайёрланган ташқи безакларни янада кенг қўллаш ва шу орқали ҳар бир қурилишга қиёси йўқ кўриниш бахш этиш имконини беради.

Инновация: ТАРАҚҚИЁТНИНГ МУСТАҲКАМ ПОЙДЕВОРИ

«Тезинтом» қўшма корхонаси бош директорининг ўринбосари Воҳид Каримовнинг таъкидлашича, ушбу ишлаб чиқаришни йўлга қўйишда давлат томонидан кўрсатилган ёрдам муҳим бўлди. Гап шундаки, кичик корхоналарни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш, шу жумладан, янги технологик ускуналар харид қилиш учун имтиёзли кредитлар берилаётгани қўшма корхонага янги қурилиш ашёлари ишлаб чиқаришни ўзлаштириш имконини берди.

Замонавий ускуна ва технологияни Туркиянинг «Desos precast» турк фирмасидан келтирдик. — дейди Воҳид Каримов. — Бу жаҳон бозоридида шу турдаги маҳсулот ишлаб чиқарувчи етакчи фирма. Кредитни эса, кичик бизнес вакили сифатида «Ипак йўли» банкидан имтиёзли шартларда олдик. Туркларнинг ёрдамида ускуналарни созлаб, ишга туширгач, мутахассисларимизни ўқитдик. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулот импортга нисбатан анча арзон. Дарвоқе, фибробетондан тайёрланаётган безакли қисмларнинг яна бир рақобатбардорлиқ ҳусусияти шуки, улардан пардозлаш воситаси сифатида фойдаланиш қурилиш таннархини анча арзонлаштириш, меҳнат сарфини камайтириш, қурилиш конструкцияларининг мустаҳкамлиги ва чидамлилигини ошириш имкониятини яратди.

Мутахассисларнинг таъкидлашларига қараганда, ганчкорлик безаклари барча услубларда қўлланиладики, бу замонавий меъморчиликнинг энг муҳим жиҳатлари ҳисобланади.

Бўртма безак иншоотнинг ташқи қиёфасига салобат, уйғунлик ва гўзаллик бахш этади, — дейди меъмор, «Тўрақон» лойиҳа-қурилиш фирмаси раҳбари Равшан Тўрақонов. — У ёки бу бинога ўзига хос қиёфа ва кўрк беришда дизайнерга бошқа бирорта восита ганчкорлигининг безак қисмларидек ёрдам беролмайди. Бу безаклар ҳар қандай уй ёки маъмурий бино қиёфасига ўзгача тус бериб, буюртмачининг ажойиб диққати безак танлашга уста эканлигини намойиш этади. Зеро, ҳаёт бир жойда тўхтаб турмайди ва ҳозирги замонда бир хил ва кўрimsиз бинолар аллақачон удумдан қолган. Шуниси диққатга сазоворки, бинолар сиртини безаклар билан пардозлашнинг самараси бекиёс. Улар биноларни безабгина қолмай, балки эски объектлар қиёфасини ҳам бутунлай ўзгартириб, фусункор қилади. Бунинг учун бинонинг ташқи кўринишини бироз ўзгартириш, масалан, эшик ва деразалар четига ганчкорлик безакла-

рини ёпиштириш кифоя. Ўз тажрибамдан келиб чиқиб айтишим мумкинки, бино сиртларини ноанъанавий кўринишда безашга талаб ортганлиги муносабати билан бундай пардозга қизиқиш ҳам анча кучайди. Бугун Тошкентдаги янги қурилишлар дизайнерлик ишланмалари билан нақадар бойганини ўзингиз ҳам кўриб турибсиз.

Мамлакатимиз бозорларида фибробетондан арқа шаклида ишланган қоплама, ус-тунли пешайов, ус-тунлар; учбурчак шаклидаги томча ва парда осиладиган карнизлар яқин вақтларгача асосан четдан келтирилган эди. Энди бу технология Ўзбекистон учун яқин ва ишончли бўлиб қолди. «Тезинтом» қўшма корхонаси мутахассислари замонавий меъморчиликда мустаҳкам ўрин эгаллаётган бу анъанани муносиб баҳолай олдилар ва “лаббай” деб жавоб бердилар. Бугун корхонанинг безак қисмлари ишлаб чиқарувчи цехи маҳсулотлари орасида ўндан зиёд намдаги қоплама безаклар ҳам бор.

Жараён

Мамлакатимиз бозорларида фибробетондан арқа шаклида ишланган қоплама, ус-тунли пешайов, ус-тунлар; учбурчак шаклидаги томча ва парда осиладиган карнизлар яқин вақтларгача асосан четдан келтирилган эди. Энди бу технология Ўзбекистон учун яқин ва ишончли бўлиб қолди.

Жараён

Мамлакатимиз бозорларида фибробетондан арқа шаклида ишланган қоплама, ус-тунли пешайов, ус-тунлар; учбурчак шаклидаги томча ва парда осиладиган карнизлар яқин вақтларгача асосан четдан келтирилган эди. Энди бу технология Ўзбекистон учун яқин ва ишончли бўлиб қолди.

фини, нархини пасаитириш шу билан бирга, ташқи таъсирларга чидамлилигини ошириш, яъни ушбу талабларнинг барчасига жавоб бера оладиган композитив технология яратиш зарур. Қоплама безак қисмларини тайёрлашда ишлатиладиган бир қатор материаллар орасида фибробетон алоҳида ўринга эга. Бу полимер ип-лар билан арматураланган бетон бўлиб, ўта пишиқ юпқа деворли буюмлар тайёрлаш имконини беради.

Ўта мустаҳкам безак

Бинонинг олд қисми унинг асоси билан уйғун композицияда бўлиши, атмосферанинг таъсирига қарамай, узоқ йиллар ташқи қиёфасини сақлаб туриши лозимлигини меъморлар яқин билишади. Мутахассисларнинг фикрича, бинонинг олд қисмини безаш учун ишлатиладиган қоплама безаклар орасида энг мақбули фибробетондан тайёрланган буюмдир. Ушбу безакнинг афзаллиги шундаки, у атмосфера таъсирига бардошли, мустаҳкам ва узоқ йилларга чидайди. Фибробетон безаклар узоқ вақт қайта таъмир талаб этмайди, оддийлиги ва монтаж қилиш қулайлиги билан ажралиб туради. Одатдаги бе-

Эльмира ЯГУДИНОВА, 1



«ЎЗКИМЁСАНОАТ»

давлат
акциядорлик компанияси жамоаси

*мамлакатимиз
кимёгарлари номидан бўтун
Ўзбекистон халқини*

Янги - 2010 йил

*билан муборакбод этиб, барчага
тинчлик - хойиржамлик, бахт - саодат
ва муштажам соғлиқ тилайди!*



**Жонажон Ватанимизнинг
гуллаб-яшнаши йўлидаги эзгу
ишларингизда ҳамиша омад
ёр бўлсин, азиз ҳамюртлар!**

ХУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР!



«АСАКА» банки (ОАЖ)

жамоаси Сизларни кириб келаётган

Янги — 2010 йил

билан чин қалбдан табриклайди ва қуйидаги янги муддатли омонат турларини таклиф этади:

МИЛЛИЙ ВАЛЮТАДАГИ ОМОНАТ:

«ЯНГИ ЙИЛ — 2010»

ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАДАГИ ОМОНАТЛАР:

«СТАБИЛЬНЫЙ» еврода

Сақланиш муддати — 3 ой, омонат бўйича йиллик 8 фоиз ҳисобланади. Ҳисобланган фоизлар омонат ёпилганда берилади.

«УНИВЕРСАЛ» АҚШ долларарида

Сақланиш муддати — 6 ой, омонат бўйича йиллик 10 фоиз ҳисобланади. Ҳисобланган фоизлар омонат очилган куни берилади.

Ушбу омонат турларини банкнинг барча филиалларида очиш мумкин.

Мурожаат учун телефонлар: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.

1.	Тошкент шаҳри филиали	(371)	120-83-13
2.	«Автотранспорт» филиали	(371)	120-39-95
3.	Шайхонтохур филиали	(371)	140-39-36
4.	Юнусобод филиали	(371)	225-16-46
5.	Сергели филиали	(371)	258-67-49
6.	Тошкент вилояти филиали	(371)	120-84-13
7.	Анджон вилояти филиали	(374)	224-40-96
8.	Асака филиали	(374)	233-13-69
9.	«Фарҳод» филиали	(374)	229-97-53
10.	Фарғона вилояти филиали	(373)	224-70-83
11.	Марғилон филиали	(373)	237-12-37
12.	Олтиариқ филиали	(373)	432-10-11
13.	Кўқон филиали	(373)	552-61-04
14.	Наманган вилояти филиали	(369)	226-94-75
15.	Навий вилояти филиали	(436)	223-54-32
16.	Зарафшон филиали	(436)	573-18-78
17.	Бухоро вилояти филиали	(365)	223-71-94
18.	Бухоро шаҳри филиали	(365)	770-11-27
19.	Самарқанд вилояти филиали	(366)	231-08-86
20.	«Афросиёб» филиали	(366)	234-17-96
21.	Қашқадарё вилояти филиали	(375)	221-12-93
22.	Сурхондарё вилояти филиали	(376)	770-82-12
23.	Қорақалпоғистон Республикаси филиали	(361)	223-72-47
24.	Хоразм вилояти филиали	(362)	226-97-78
25.	Сирдарё вилояти филиали	(367)	225-44-03
26.	Жиззах вилояти филиали	(372)	226-43-11


«АСАКА»
БАНКИ (ОАЖ)
САРМОЯНГИЗНИНГ
САҚЛАНИШИ
ВА КЎПАЙИШНИ
КАФОЛАТЛАЙДИ.

Хизматлар лицензияланган.

БАРЧА ОМОНАТЛАР ФУҚАРОЛАРИНИНГ БАНКЛАРДАГИ ОМОНАТЛАРИНИ КАФОЛАТЛАШ ФОНДИ ТОМОНИДАН КАФОЛАТЛАНАДИ.

Сизнинг омонатларингиз:

- солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод;
- маълумотларнинг сир сақланиши тўлиқ кафолатланади;
- эгалик қилиш ва тасарруф этиш ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда;
- миқдори чекланмаган.



СТРАХОВАЯ ОРГАНИЗАЦИЯ ЗАО

ALFA INVEST


ВАШ ПЕРВЫЙ ПАРТНЕР В ЗАЩИТЕ ОТ РИСКОВ

Янги йилнингиз билан!



«ALFA INVEST» СТ ЁАЖ ТАКЛИФ ЭТАДИ

ИШ БЕРУВЧИНИНГ ФУҚАРОЛИК ЖАВОБГАРЛИГИНИ МАЖБУРИЙ СУҒУРТА ҚИЛИШ



Тошкент шаҳар, Шайхонтохур кўчаси, 10. Тел.: (8 371) 120-00-80. Факс: (8 371) 120-68-01
www.alfainvest.uz



«RADIKS»

намий-ишлаб чиқариш корхонаси жамоаси

юртимиз аҳолисини

Янги — 2010 йил

билан муборакбод этади!



Оилангизга хотиржамлик, ишларингизга ривож, соғлиқ ва омонлик тилайди.

Янги йил қувончу шодликларга бой бўлсин!



«RADIKS» доимо сизнинг соғлиқингиз ҳақида ўйлайди!



«Bektemir-spirit eksperimental zavodi»


жамоаси

Ўзбекистон халқини

Янги — 2010 йил

билан самимий муборакбод этади!

Кириб келаётган йил барчангиз учун янги омадлар, ютуқлар йили бўлсин.




O'ZSANOATQURILISHBANK

«ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК»

жамоаси

барча миждозларини, акциядорларини,
ҳамкорларини ва юртдошларимизни

Янги йил

билан самимий табриклайди.

*Янги йил сизга бахт-иқбол,
хонадонингизга файз-барока, халқимизга
хотиржамлик ва фаровонлик олиб
келишини тилаб қоламиз!*

*Янги йил барчангизга
муборак бўлсин!*



Вақт давомида синалган ишонч!

www.uzpsb.uz

RBS
The Royal Bank of Scotland

RBS NB Uzbekistan CJSC

**Ўзбекистон халқини
кириб келаётган
Янги йил билан
чин дилдан
муборакбод этади!**

Барчага мустаҳкам
соғлиқ, тинчлик-
хотиржамлик ва фаровон
ҳаёт тилайди!

Корея миллий
нефть корпорацияси

Ўзбекистон халқини қириб келаётган
Янги - 2010 йил
билан табриклайди!

*Янги йил барчага бахт, қувонч,
фаровонлик келтирсин.*

*It is great honor for
Korea national oil corporation
to congratulate the people
of Uzbekistan on the coming
Year 2010!*

*We wish joy, welfare and prosperity
in the new year!*



Korea National Oil Corporation



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ-ТИЖОРАТ

ХАЛҚ БАНКИ

жамоаси юртдошларимизни

**Янги — 2010 йил —
Баркамол авлоқ йили**

билан самимий муборакбод этади!

*Янги йилда барчага мустақам соғлиқ,
фаровон ҳаёт, оилавий бахт, жонажон
Ўзбекистонимизнинг гуллаб-яшнаши
йўлидаги дунёқорлик ишларида
ўлкан зафарлар тилайди.*

Байрам арафасида аҳоли учун жозибали
ва манфаатли шартларга асосланган

«Камолот сари» ва «Шартли»

омонат турларини таклиф этади.

«Камолот сари» жамғарилувчи омонат бўлиб, унга маблағлар жисмоний шахслардан миллий валютада нақд пулда ва нақд пулсиз қабул қилинади ҳамда фоиз даромадлари ҳар ойда ҳисобланиб, омонат қолдигига қўшиб борилади ва мижознинг биринчи талаби бўйича берилади.

«Шартли» омонатига маблағлар жисмоний шахслардан миллий валютада нақд пулда қабул қилинади ва омонат муддатини омонатчининг ўзи мустақил белгилайди. Омонатда ҳақиқий сақланган муддатлар учун фоиз даромадлари тўланади.

**АҲОЛИ ОМОНАТЛАРИ ДАХЛСИЗЛИГИ
ДАВЛАТ ТОМОНИДАН КАФОЛАТЛАНГАН!**

Мурожаат учун телефон: 150-12-91.
Хизматлар лицензияланган. Лицензия № 25. 25.01.2003.



Азиз ватандошлар!
Банкимиз акциядорлари ва мижозлари!

«UT BANK»

ЎЗБЕКИСТОН — ТУРКИЯ БАНКИ
КЕНГАШИ ВА БОШҚАРУВИ

**Ўзбекистон халқини
ва меҳмонларини
куриб келаётган**

**Янги-2010 йил
билан қутлайди!**

*Баркамол авлоқ йили бахт,
омад, осойишталик ва файзу
барока келтирсин.*

Осмонимиз мусатфо, ҳаётимиз фаровон бўлсин!



Ҳурматли тадбиркорлар!

Бизнесда муаммолар борми?

Қонуний ҳуқуқларингиз бузилиши ҳолатлари рўй бермоқдами? Маслаҳат керакми?

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси жамоатчилик кенгашига мурожаат қилинг!

Жамоатчилик кенгаши телефони: (+99871) 150-60-05.

Тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги барча тўсиқларни биргаликда бартараф этайлик!

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси «Call-center»: (+99871) 150-60-06.

«24 соат маслаҳат хизмати»: (8-800) 120-04-04 (барча кўнгирақлар бепул).

Манзил: 100047, Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 6-уй.

E-mail: info@chamber.uz, web-site: www.chamber.uz

«FORMULA-1» АВТОДЎКОНИ

сизга қуйидагиларни таклиф этади:

Автомобиль эҳтиёт қисмлари
R12 дан R17 гача бўлган
автошиналар
35W дан 200W гача бўлган
аккумуляторлар
Мотор мойлари
Трансмиссия мойлари
Автомобиль жиҳозлари
Автомобиль ойналари
Автомобиль бўёқлари
Автомобиль дисклари
Электродлар



TICO, MATIZ, EPICA, NEXIA, DAMAS, ESPERO, LACETTI

MAXSULOT СЕРТИФИКАТ-ЛАНГАН.
SUPER SALON, MERCEDES-BENZ, CAPTIVA

Манзилимиз: Тошкент ш., Катортөл к., 50-«В» уй.
Мўлжал — «Катортөл савдо маркази» қаршида.
Тел.: (+99871) 150-62-20, (+99898) 304-13-12,
факс: (+99871) 278-06-83,
E-mail: avto-formula1@mail.ru

«Jurabek laboratories» МЧЖ

қўшма корхонаси

азиз

ватандошларимиз


ва юртимиз

меҳмонларини, тадбиркору

ишбилармонларни

Янги-2010 йил

билан самимий табриклайди!





Барчангизга мустақам
соғлиқ ва омонлик
тилаймиз.

«Росагропромснаб» МЧЖ

ТУРЛИ ХИЛ ГАЗ ЖИҲОЗЛАРИНИ

ТАКЛИФ ЭТАДИ

- УЛЬТРАТОВУШЛИ ГАЗ
ЎЛЧАГИЧЛАРИ
- 5 м³/соатдан 500 м³/соатгача БЎЛГАН
ГАЗ ТАҚСИМЛАГИЧ ШКАФЛАРИ
- ЮҚОРИ, ЎРТА ВА ПАСТ БОСИМЛИ
ГАЗ МЕЪЁРЛАГИЧЛАРИ
- ПЭК фильтрлари, ИЗО муфтлари





Махсулот сертификатланган.

Т.ф.: 273-16-40, 276-90-57, 276-97-90.

Манзил: Тошкент ш., Чилонзор мавзоеси, Ц-дахона, 6-уй.
Мўлжал — «Шўхрат» дўконига жойлашган чорраха.

Муҳтарам газетхон!

Газетамизнинг ушбу сонидаги қўшаҳифа бепул илова қилинмоқда.



Баходиржон Султонов:

ҒУРУР ВА ИФТИХОР ҚАНОТ БАҒИШЛАЙДИ

Ҳеч бир нарса мамлакатни спортчилик дунёга тез танита олмайдми. Истиклол йилларида Президентимиз раҳнамолигида жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга қаратилган давлат сиёсати даражасидаги эътибор туфайли ана шу пурмаёно ҳикмат амалда ўзини тўла исботламоқда. Хусусан, спорт майдонларимизда чиниққан, маҳоратини оширган истеъдодли ўғил-қизларимиз эндиликда турли халқаро мусобақалар, жаҳон ҳамда қитъа чемпионатлари, Олимпиада ўйинларида муваффақиятли иштирок этиб, Ўзбекистон номини ва нуфузини янада юксалтириш, халқимизнинг куч-қудратини ҳамда салоҳиятини намойён этишга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшишмоқдалар.

лаевдан бокс сирларини ўрганиб, эндиликда дунё миқёсидаги нуфузли мусобақаларда иштирок этаётган. Хусусан, 2001-2002 йилларда ёшлар ва ўсмирлар ўртасида жаҳон чемпиони бўлдим. Сўнгра Таиланд давлати мезбонлик қилган жаҳон чемпионатида учинчи ўринни эгалладим.

Замондош билан юзма-юз

Ҳиндистонда ўтказилган Афро-Осиё ўйинларида муваффақият қозондим, 2004 йили Филиппинда уюштирилган Осиё чемпионатида эса шохсупанинг энг юқори поғонасига қўтарилдим. Афина Олимпиадасининг бронза медали совриндори, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи, "Дўстлик" ордени соҳиби Баходиржон Султонов. — Бу спортимиз ривожига кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликнинг яна бир ифодасидир. Албатта, жаҳон чемпионатида қатнашиш ҳар қандай спортчи учун ҳам шарафдир. Лекин бунга эришишга фақат иштиёқ ёки иқтидорнинг ўзи камлик қилади, деб ўйлайман. Бунинг учун шароитлар ҳам яратилган бўлиши керак. Бизга фахр бағишлайдиган жиҳати шундаки, Ўзбекистон-

— Шундай, бокс тўғрисидаги илк тасавуририм отам туфайли шаклланди. Телевизор орқали тажрибали боксчиларимизнинг рингдаги хатти-ҳаракатларини томоша қилардик, таҳлил этардик. Шундай пайтларда отам: "Ҳозир имконият жуда катта, яхшилаб шуғуллансанг, сен ҳам, албатта, чемпион бўласан, дунёга чиқасан", дердилар. Қалбимда ўзимга нисбатан ишонч уйғона бошлаган ўшанда...

Биласизми, баъзан отам иккови-

даги имкониятларни таққослаган ҳолда нималар дея оласиз?

— Ишонч билан айтиш мумкинки, мамлакатимиздаги спорт мажмуалари, сузиш ҳавзалари, стадионлар ва уларда яратилган қулайликлар ҳеч бир ривожланган давлатлардагидан қолшмайди. Айниқса, бирор юртда учрамайдиган, ёшларни жисмоний тарбия ва спортга жалб этишнинг уч босқичли тизими — "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод" ва "Универсиада" спорт ўйинлари иқтидорли ёшларимизнинг халқаро мусобақаларга чиқиши учун чинакам парвоз майдони бўлиб хизмат қилаёттир. Биз халқаро миқёсдаги бахсларда хорижлик тенгқурларимиз билан суҳбатлашганимизда, шулар ҳақида ҳам сўзлаб берармик. Уларга бизда спортга шахсан давлатимиз раҳбарининг ўзлари ғамхўрлик кўрсатишларини, ушбу соҳа ривожига жуда катта маблағ сарфланишини айтганимизда, бизга ҳавас билан қарашди. Нега шундай, биласизми? Айрим давлатларда спортга ва қадар аҳамият берилмайди ва натижада кўпга истеъдодлар кашф этилмай қолиб кетади. Ҳатто баъзида қайсидир мамлакат спортчиси ҳомий топа олмагани учун турнирда қатнашолмаслигини билдирганини эшитиб қоламиз. Мана шундай пайтларда бизга яратилган шароитлардан ғурурланамиз. Ифтихор ҳисси галабаларимизга қанот бағишлайди.

— Айни вақтда нималар билан бандсиз?

— Ҳозирда Тошкент вилоятидаги ўқув-йиғин базасида машғулотларда қатнашамиз. Ҳамма шароит яратиб берилган. Қайфиятимиз аъло даражада. Олдинда кўпга муҳим мусобақалар турбиди. Шулардан энг асосийси, 2012 йили Лондонда ўтказилган ёш Олимпиададир. Мақсадимиз, ана шу катта спорт байрамига йўллангани кўлга киритиб, муносиб тайёргарлик кўриш ва совринли ўринларни эгаллаш.

Шавкат ОРИҚОВ сўхбатлашди.

Масалан, жорий йилнинг сентябрь ойида Милан шаҳрида бокс бўйича бўлиб ўтган XV жаҳон чемпионатида вакилларимизнинг умумжамоа ҳисобида учинчи ўринни кўлга киритганликлари фикримизга яқин далилдир. Агар ушбу мусобақада 133 давлатдан 554 нафар (бу бокс бўйича қатнашчилар сони жиҳатидан жаҳон чемпионатлари тарихидаги рекорд кўрсаткичи) кўчи "чарм кўлоқ" устаси иштирок этганига эътибор қилсак, совринли ўринлар учун бахслар осон келмагани аён бўлади. Шунга қарамай, жаҳон чемпионатида ҳам кимдан кам эмасликлари амалда яна бир қарра исботлашди. Ватанимизга ёруғ юз билан қайтиб келган голиб спортчиларимиз халқимиз томонидан муносиб шарафланди.

— Камтарона меҳнатларимизни давлатимизнинг юксак мукофотлари ва автомобиль билан тақдирлаган Президентимиздан миннатдоримиз, — дейди XV жаҳон чемпионати бронза медали совриндори, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи, "Дўстлик" ордени соҳиби Баходиржон Султонов. — Бу спортимиз ривожига кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликнинг яна бир ифодасидир. Албатта, жаҳон чемпионатида қатнашиш ҳар қандай спортчи учун ҳам шарафдир. Лекин бунга эришишга фақат иштиёқ ёки иқтидорнинг ўзи камлик қилади, деб ўйлайман. Бунинг учун шароитлар ҳам яратилган бўлиши керак. Бизга фахр бағишлайдиган жиҳати шундаки, Ўзбекистон-

— Отангиз Мазруфжон ака ҳам бир вақтлар бокс билан шуғулланган экан...

миз ёлғиз қолганимизда, у киши бизга ҳавас билан қарашларини айтадилар. Сабаби, уларнинг даврида ёшларни кўлаб-қувватлаш, айниқса, чекка ҳудудлардаги иқтидорларни кашф этишга ҳозиргидек эътибор қаратилмаган. Мамлакат терма жамоаси сафига киришни-ку қўяверинг. Шунинг учунми, отам менинг ҳар бир ютуғимда ўз орауларининг рўёбини кўриб, боши осмонга етишини билдиради. Мен ҳам ич-ичимдан қувонаман.

Бирор-бир мусобақадан уйга қайтиб, оила аъзоларимиз билан бир дастурхон атрофига йиғилганимизда ҳам отам муваффақиятим билан табриқлаб, бу ютуқлар осмондан тушмаганини ёки ўз-ўзидан келиб қолмаганини, мустақиллик, Юртбошимиз шарафати билан шундай кўнларга етганимизни таъкидлайдилар. Ана шу ўғитлар доимо ёдимда туради. Рингга кўтарилганимизда ҳам қалбимдаги юртимга, оиламга бўлган муҳаббат менга кўч бағишлайди.

— Спорт туфайли дунёнинг жуда кўп давлатларида бўлдингиз, у ерда мазкур соҳа учун яратиб берилган шарт-шароитлардан ҳам, озини-қўлни хабардорисиз. Шундан келиб чиқиб, бу борада юртимиз-

Яхши хабарлар

Мухтор Ашрафий номидagi Бухоро санъат коллежи ўқитувчиси Фаррух Акрамов Швейцарияда ўтказилган халқаро композиторлар танлови совриндори бўлди.

ХАЛҚАРО ТАНЛОВ СОВРИНДОРИ

Ёш бастакорнинг кватрет учун яратган "Иллюзия" номли асари нуфузли халқаро танлов ҳайъатининг эътирофига сазовор бўлди. Натижада ҳамюртимиз фахрли иккинчи ўрин ва махсус диплом билан тақдирланди. Шунингдек, у 2010 йилда Грузияда бўлиб ўтадиган халқаро фестивалда қатнашиш ҳуқуқини кўлга киритди.

И. ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

«ОРОЛ ҒЎЗАЛЛАРИ»

Қорақалпоғистон Республикаси қасаба уюшмалари бирлашмаси қишлоқ жойларида янги иш ўринларини ташкил этиш борасида муайян ишларни амалга ошириб келмоқда.

Меҳр-мурувват ва юксак ғамхўрликдан баҳраманд бўлиб улғаяётган болажонларимиз учун Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларда байрам тантаналари ўтказилмоқда.


Муборак ОХУНОВА, «Халқ сўзи» мухбири. Ҳасан ПАЙДОВ олган суратлар.

Ҳ. АҲМЕДОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

«ROKA COMPANY» уруғчилик компанияси

Ўзбекистон халқини қириб келаётган 2010 йил билан табриқлайди.

Янги мавсум учун Испаниядан келтирилган юқори ҳосилдор маккажўхори уруғларини таклиф қилади.



Уруғлар сертификатланган ва давлат респирга киритилган.


Тел.: 257-44-01, 257-44-03, 100-83-13.

БАҲТИЁР БОЛАЖОНЛАР ҚУВОНЧИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

ўқув қуроллари ва ширинликлардан иборат қимматбаҳо совғалар тақдим этилди. Янги йилни Меҳрибонлик уйда ҳам катта тантана билан кутиб олишга ҳозирлик қўрилоқда.

Элмира Мишурова SOS болалар маҳалласида истиқомат қилади. Байрам совғалари, барча болалар сингари, унинг ҳам кўнглини чексиз шодликка тўлдирди. Тенгқурлари билан яйраб рақс тушаётган қизалоқни суҳбатга тортиди.



ёргарлик кўраямиз. Байрам дастурхонимизга ўз қўлим билан ширинлик тайёрлайман, чунки яқиндагина "Эффе́кт-молия" ўқув марказининг пазандалик курсини битказдим. Ойижоним энди тикувчиликни ўрганасан, дептиллар. Албатта, ўрганаман, онам, укаларим ва оламга атаб чиройли кўйлақлар тикаман.

...Ранг-баранг чироклари товланиб нур сочаётган мафтункор арча атрофида болажонлар эстрада хонандалари ижросидаги куй-қўшиқларга жўр бўлиб, рақс тушишди. Шундан сўнг байрам

томошаси бошланди. Жажжилар "Томоша" болалар шоу гуруҳи ижросидаги "Мўъжизалар оламига саёҳат" деб номланган мюзиклини мириқиб томоша қилдилар. Айтиш жоизки, эзулик, чин дўстлик ва меҳроқибат сингари ғўзал инсоний фазилатлар тараннум этилган мазкур бадиий дастур кичкинтойлар қалбиди миллий қадриятларимизга эҳтиром хиссини шакллантиришга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир. Эртақ қаҳрамонлари Самарқанд, Бухоро, Хива сингари қадимий шаҳарларга "саёҳат"

қилиш асносида, онаюрт жомолини мадҳ этувчи ғўзал куй-қўшиқлар ижро этишди. Дастур давомида томошабинлар учун интеллектуал ўйинлар ўтказилиб, голиб кичкинтойларга Қорбобонинг совғалари улашилди.

Меҳр-мурувват ва юксак ғамхўрликдан баҳраманд бўлиб улғаяётган болажонларимиз учун Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларда байрам тантаналари ўтказилмоқда.

Янги — 2010 йилнинг ҳар бир куни тинчлик ва бахт олиб келсин!

Янги йил билан!

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир **Ўткир РАҲМАТОВ**

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Ғ — 1103. 32001 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қозғоқ бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибхона 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган кўлемлар тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғас ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Т—Тижорат материалли

«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Ғўза якуни — 20.55 Топширилди — 22.45

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов. Навбатчи муҳаррир — С. Раҳмонов. Навбатчи — З. Худойшукуров. Мусахҳх — Ш. Машраббев.

«Физика-Куёш» ИИЧБ жамоаси Физика-техника институти лабораторияси мудири, академик Т. С. Йулдошбоевга ўғли Искандар ЙЎЛДОШБОВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Ўзсаноатқурилишбанк» жамоаси банкнинг Ташқи иқтисодий фаолият департаменти директори ўринбосари Дилшод Пармановга палари бузруквори ҲАСАН отанинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Жиззахдаги «Замонавий полимер қувур» корхонаси жамоаси Ўзбекистон аҳлини Янги — 2010 йил билан самимий кутлайди.

Янги йилда истеъмолга 25-500 миллиметр диаметри сифатли ва арзон полиэтилен қувурлари ишлаб чиқаришни олий мақсад билиб, барчани самарали ҳамкорликка чорлаймиз.

Янги йилнингиз қутағу бўлсин, азиз юртадошлар!

Азиз ватандошлар!

Барчангизни кириб келаётган Янги — 2010 йил — Баркамол авлод йили билан чин қалбимиздан самимий муборакбод этамиз!

Истардикки, Янги йилда эзгу орзу-умидларингиз рўёбга чиқсин, хонадонларингиздан тинчлик-омонлик, дастурхонингиздан файзу барака аримасин.

Юртимиз фаровонлиги йўлидаги хайрли ишларингизда муваффақиятлар ёр бўлаверсин!

Очиқ акциядорлик тижорат банки — «Агробанк»нинг Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси жамоаси

ОБ-ҲАВО (30 декабрь)

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти. Ҳаво ўзгариб туради, ёнгарчилик бўлмайди. Туман тушади. Кечаси 3 даража соғуқ билан 2 даража илқ ўртасида, кундузи 5-10 даража илқ бўлади.

Бухоро ва Навоий вилоятлари. Ёнгарчилик кутилмайди. Туман тушади. Ҳарорат тунда 1-6, кундузи 9-14 даража илқ бўлади.

Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари. Ҳаво ўзгариб туради, ёнгарчилик қузатилаётди. Туман тушади. Кечаси 1-6, кундузи 9-14 даража илқ бўлади.

Тошкент вилояти. Ёнгарчилик бўлмайди. Туман тушади. Ҳарорат тунда 1-6, кундузи 9-14 даража илқ бўлади.

Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари. Ҳаво ўзгариб туради, ёнгарчилик кутилмайди. Туман тушади. Кечаси 3-8 даража илқ, кундузи 12-17 даража иссиқ бўлади.

Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари. Ёнгарчилик қузатилаётди. Туман тушади. Тунда 0-5, кундузи 9-14 даража илқ бўлади.

Тошкент шаҳри. Ҳаво ўзгариб туради, ёнгарчилик бўлмайди. Кечаси ва эрталаб туман тушиши мумкин. Ҳарорат тунда 1-3 даража илқ, кундузи 10-12 даража иссиқ бўлади.

«Ўзгидромет» маълумотлари асосида тайёрланди.